

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

«Chirchiq transformator zavodi»
aksiyadorlik jamiyati
Кузатув кенгаши мажлисида
Кузатув кенгаши раиси
В. П. Роюк

Ўзбекистон Республикаси

Модия вазирлиги

Вазир ўринбосари

О. Р. Исаков



«20» август 2021 йил



«15» сентябрь 2021 йил

№ Р0426-12

М.Ў.

«Chirchiq transformator zavodi» aksiyadorlik jamiyatining
кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги
ҚАРОРИ

Идентификация рақами оддий
акцияларга берилди:

R	U	1	1	2	P	0	4	2	6	T	Z
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Хар бирининг номинал қиймати 200 сўм бўлган 42 857 143 (қирқ икки миллион саккиз юз эллик етти минг бир юз қирқ уч) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий акциялардан иборат.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн иккинчи чиқарилишдир.

«Chirchiq transformator zavodi» aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгашининг 2021 йил «20» августдаги қарори (рақамсиз қарор) билан тасдиқланган.

«Chirchiq transformator zavodi» aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгашининг 2021 йил «20» августдаги баённомаси асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, электрон почта манзили ва мулоқот телефонлари: 111713, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Электромашиносозлар майдони, 1 Телефон: 70 713 03 24, 70 713 04 20 E-mail: info@chtz.uz Вэб адрес: www.chtz.uz

Бош директор в.в.б.:

Каюмов Джамшид Ганиевич

Бош бухгалтер:

Нам Марина Алексеевна

«20» август 2021 йил



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий;
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**;
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **200 (икки юз) сўм**;
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **42 857 143 (қирқ икки миллион саккиз юз эллик етти минг бир юз қирқ уч) дона**;
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **8 571 428 600 (саккиз миллиард беш юз етмиш бир миллион тўрт юз йигирма саккиз минг олти юз) сўм**;
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:
Акциядорлар:
Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ношижорат ташкилотларига бирлашиш;
қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.
Шунингдек акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:
Жамият Уставада мазкур чиқарилувдаги акцияларни олинишига нисбатан чеклашлар мавжуд эмас.
Кузатув кенгашининг 2021 йил 20 августдаги қарори ва қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ, ушбу чиқарилувдаги акциялар ёпиқ обуна усулида «TOSHELECTROAPPARAT» МЧЖ ҚКга жойлаштирилади.
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **65 551 823 600 сўм (Олтмиш беш миллиард беш юз эллик бир миллион саккиз юз йигирма уч минг олти юз сўм)**
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):
 - 9.1. **327 743 062 (Уч юз йигирма етти миллион етти юз қирқ уч минг олтмиш икки) дона эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз акциялар.**

9.2. 16 056 (ўн олти минг эллик олти) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ҳужжатсиз акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилувдаги акциялар ёпиқ обуна усулида «TOSHELECTROAPPARAT» МЧЖ ҚҚга жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Жойлаштириш муддати - акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмасдан амалга оширилади;

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида қарорини давлат рўйхатига олинган сана;

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган сана, лекин қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатига олинган санадан 365 кундан ошмаслиги лозим;

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Мазкур чиқарилувдаги акциялар уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битим тузиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилуви андеррайтерлар жалб этилмаган ҳолда жойлаштирилади.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш «Full Stock Group» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқни ҳисобга олувчи инвестицион воситачиси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: «Full Stock Group» масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган жойи: 100000, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Буюк Турон кўчаси, уй – 41;

Телефон: 998978383555.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарий ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси давлат корхонаси;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат унитар корхонаси;
Жойлашган жойи - 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик
шоҳ кўчаси 107 уй;

Почта манзили - 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик
шоҳ кўчаси 107 уй;

Телефон: 8(371)267-37-42, Факс: 8(371)267-36-87. e-mail: info@deponet.uz, веб
манзили: www.deponet.uz.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли
ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Жамият акциядорларининг 22 июнь 2021 йилдаги йиллик умумий йиғилиши
қарорига асосан мазкур чиқарилувдаги акцияларни жойлаштирилишда акцияларни
олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш қўлланилмайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини
белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилувдаги акциялар 1 400 сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Ушбу чиқарилувдаги акциялар учун тўлов пул маблағлари билан амалга
оширилади.

Банк реквизитлари:

Банк номи - «Ориент Финанс» ХАКБ

Ҳисоб-рақам: 20210000500430710001

Юридик манзил – Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100052, Мирзо
Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 5.

МФО – 01071

СТИР - 207086151

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш шarti ва амалга ошмаган
деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни
қайтариш тартиби:

Акцияларнинг чиқарилиши қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор
қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи
томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил давомида мазкур чиқарилишдаги
акцияларнинг олтмиш фоиздан кам қисми жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган
деб эътироф этилади. Акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб тан олинган кундан
бошлаб 10 кун давомида акциялар учун тўлов сифатида олинган маблағлар қонунда
белгиланган тартибда қайтариб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши)
тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор
қилиш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот
(ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ошкор қилинади:

- Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида www.chtz.uz ва корпоратив ахборотлар
ягона портали www.openinfo.uz;

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор асл нусхаси билан барча манфаатдор шахслар Жамиятнинг жойлашган манзили бўйича Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Электромашиностроителей майдони, 1-уй манзилида, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача танишишлари мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмаган.